

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги Комплаенс, ички аудит ва
молиявий назорат хизмати томонидан 2022 йилда
амалга оширилган ишлар бўйича
МАЪЛУМОТНОМА**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат хизмати томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бир қатор ишлар амалга оширилган.

Жумладан, Вазирлиар Маҳкамасининг 2020 йил 17 февралдаги 72-Фсонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида, ССВнинг 2022 йил 1 март кунидаги “**Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш тизимини ривожлантириш тўғрисидаги йўл харитасини тасдиқлаш ҳақида**”ги 69-сонли буйруғи имзоланган бўлиб, мазкур буйруқ БМТнинг Таракқиёт дастури кўмагида КПМГ халқаро экспертлари томонидан тақдим этилган тавсиялари асосида ишлаб чиқилган. Йўл харитасига асосан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси, Яккасарой туман Тиббиёт бирлашмалари фаолияти ўрганилиши, шунингдек бутун соҳада коррупциявий хавф-хатарларни олдини олиш, унга қарши курашиш орқали тизимни **ISO 37001:2016 халқаро стандартларга жавоб берилишини таъминлаш масаласи** долзарб вазифа бўлиб келмоқда.

Бундан ташқари, аҳоли орасида тизимнинг мавқеини ошириш, “Коррупциясиз соҳа” сифатида танилишини таъминлаш мақсадида, ССВнинг 2022 йил 1 марта “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш ҳамда уни олдини олиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 71-сонли буйруғи имзоланиб, унга мувофиқ тизимда коррупциявий ҳолатларни олдини олиш юзасидан 10 та ички норматив хуқукий хужжат амалга киритилди. Бу орқали бевосита Комплаенс хизматининг вазифалари, мажбуриятлари ҳамда хуқуқлари ёритиб берилди. Хусусан:

1. ССВнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича **Сиёсати**;
2. ССВда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш **Услубиёти**;
3. ССВда манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича **Низом**;
4. ССВга алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қўриб чиқиш **Регламенти**;
5. ССВда Этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитишни ташкил этиш бўйича **Йўриқнома**;
6. ССВда Контрагентларни текширишга оид **Йўриқнома**;
7. ССВда ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича **Йўриқнома**;
8. Коррупцияга қарши кураш тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш **Услубиёти**;
9. Коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича **Низом**;

10. ССВ ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувларини ўтказиш бўйича **Регламентларни тасдиқланганлиги** нафақат Комплаенс хизматининг фаолиятини тартибга солиш, балки соҳада таъмагирлик, порахўрлик, танишибилишчилик, маҳаллайчилик ва бошқа салбий унсурларни йўқ қилиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ўзида мужассам этган хужжатдир.

Ушбу хужжатнинг ижросини таъминлаш ҳамда 2022 йил 18 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда соҳани тубдан ўзгартириш бўйича тизим вакилларига берган топшириклари ҳамда вазифалари ижросини таъминлаш мақсадида, Соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 18 апрель кунидаги 23-10083-сонли кўрсатмаси барча тиббиёт тузилмаларига юборилган бўлиб, ижроси юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилиши раҳбардан тортиб қуий тоифадаги ходимгача етказилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда соҳа ходимлари, тиббиёт муассасаларида, шу жумладан туғруқ бўлимларида даволанаётган беморлар ва аҳоли ўртасида коррупция ҳолатларини аниқлаш борасида очик ёки аноним тарзда, шу жумладан мессенджер ёки ижтимоий тармоқларда очилган маҳсус канал орқали **300 дан ортиқ сўровномалар ўтказилган**. Сўровномалар натижалари таҳлил этилиб, коррупциявий жиноятлар содир этилишига имкон яратадиган ҳамда соҳада коррупция хавфларининг юзага келишига сабаб бўлаётган омилларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Барча туғруқ бўлимларида таъмагирлик ҳолатлари, жумладан “Суюнчи пули” сўраш ҳолатларига барҳам бериш мақсадида қабулхона, коридор, шифокорлар хонаси, муолажа хоналарига назорат кузатув камералари ўрнатилди. Тиббиёт ходимлари томонидан ўз вазифаларини моддий манфаатдорлик эвазига бажариши юзасидан ҳар бир ҳолат назоратга олиниб, айбдор шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўрилмоқда.

Шунингдек, 2022 йил 18 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда нутқ сўзланиб, тизимда ўтказилаётган ислоҳотлар, тиббий хизматлар кўламининг кенгаётгани, тиббиёт марказлари филиалларининг ортиб бораётганлиги, шунингдек соҳада мавжуд камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб берилди. Бундан ташқари, давлат раҳбари шифокорлар ўз вазифаларига сидқидилдан ёндошган ҳолда ҳалқ дарди билан яшashi, меҳр-оқибатли бўлиши, касбий одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя этиши, ҳалол бўлиши ва шу каби бошқа инсоний ҳислатларга эга бўлиши лозимлиги хусусида тўхталиш билан бирга, соҳада коррупция балосидан бутунлай қутулиш, қонун бузилиш, таъмагирлик ва порахўрлик иллатларига қарши курашиш тўғрисида ҳам фикрларни билдириб ўтдилар. Ушбу мулоқотдан сўнг, Соғлиқни сақлаш вазири ҳамда марказий аппаратнинг барча раҳбарлар

таркиби жалб этилган ҳолда Республикализнинг барча вилоятларига хизмат сафарлари уюштирилди. Бунда босқичма-босқич барча тиббиёт муассасаларида фаолият юритувчи ходимлар, даволанаётган беморлар ва шу минтақада яшовчи аҳоли орасида ижтимоий сўровномалар ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Бухоро вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Бухоро вилояти Кўп тармоқли тиббиёт марказий шифохоналарида ходимлар орасида **аноним сўровнома** ўтказилиб, ҳозирги кунда уларнинг натижалари таҳлил қилинмоқда.

Ҳозирги кунга келиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий тузилмаларида **71 241-10-65** ишонч телефони, **1203** қисқа рақамли алоқа, “ssv.uz/ru/menu/sluzhba-komplaensa” сайтдаги саҳифа, “ssvuz/compliaence” электрон почта, “[t.me/compliaence MH Uzb](https://t.me/compliaence_MH_Uzb)” телеграмм бот канали ҳамда “[www.facebook.com/Комплаенс ички аудит ва молиявий назорат хизмати](https://www.facebook.com/Комплаенс%20ички%20аудит%20ва%20молиявий%20назорат%20хизмати)” фейсбуқ саҳифалари расмийлаштирилган бўлиб, фуқаролар тиббиёт ходимлари томонидан йўл қўйилаётган хар қандай коррупциявий ҳолатлар тўғрисида ушбу маҳсус алоқа воситаларига мурожаат этишлари мумкин.

Шунингдек, юқорида қайд этиб ўтилганидек Ўзбекистон Республикаси Вазирлиар Маҳкамасининг 2020 йил 17 февралдаги 72-Ф-сонли фармойиши асосида БМТнинг Тараққиёт дастури кўмагида КПМГ халқаро эксперtlари томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва Яккасарой туман тиббиёт бирлашмасининг фаолияти ўрганилиб, соҳада мавжуд бўлган коррупциявий ҳолатларининг мавжудлиги, уни олдини олиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш юзасидан ишлар давом эттирилмоқда.

2022 йилнинг май ойида КПМГ халқаро эксперtlари томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фаолияти, норматив-хуқуқий ҳужжатларининг замон талабига жавоб бериши, коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган йўналишларда инсон омилини камайтириш, “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини тўлиқ ишга тушиши бўйича тақдимоти бўлиб ўтди.